

МДХ ўйинларида Самбочиларимиз 10 та медални кўлга киритишди: Уларнинг 2 нафари Термиз тумани спортчилари



Россиянинг Қозон шаҳрида илк мартаба бўлиб ўтаётган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) ўйинларида юртимиз вакиллари муносиб иштирок этишмоқда.

Қувонарлиси Ўзбекистон делегацияси таркибида Термиз туманининг 7 нафар спортчиси иштирок этмоқда.

Куни-кеча ўтказилган самбо бўйича мусобақаларда юртимиз шарафини ҳимоя қилган Термиз туманилик икки нафар спортчиларимиз Ўзбекистон делегацияси ҳисобига кумуш ва бронза медалларни қўшиб қўйишди.

Кумуш:

-54 кг: Шоҳида Хонтўраева

Тренер: Пирлиев Ўткир

Бронза:

-65 кг: Шоҳиста Амирова

Тренер: Исматуллаев Шерзод





Термиз туман ҳоқимлиги
Ахборот хизмати